

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Алимардонов Илхом Музрабшохович,
иқтисод фанлари номзоди, ТМИ
E-mail: abdulaziz.alimardonov@mail.ru

Аннотация: Ушбу илмий мақолада Ўзбекистон иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш шароитида кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг методологик ва амалий жиҳатлари тадқиқ қилинган ва уни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган. Муаллиф кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш мақсадида уларнинг импорт тўлови билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтириш, Марказий банкнинг курс сиёсатини такомиллаштириш, банкларнинг кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиёти самарадорлигини ошириш йўллари илмий жиҳатдан асослаб берган.

Аннотация: В данной статье автор исследовал методологические и практические аспекты финансирования субъектов малого бизнеса в условиях углубления структурных преобразований в экономике Узбекистана и разработал научные предложения, направленных на её совершенствование. Автором научно обоснованы пути уменьшения расходов субъектов малого бизнеса, связанная с оплатой импорта, совершенствование курсовой политике Центрального банка, повышения эффективности кредитования субъектов малого бизнеса коммерческими банками.

Abstract: In this article the author analyzed the methodological and practical aspects of financing small business in the condition of Economic enhancing in Uzbekistan and introduced new scientific solutions and proposal in order to develop the economy. Ways to reduce the costs of small businesses, associated with the payment of imports, the development of Central bank's currency rate policy and boosting the monetization level in order to increase of financial effectiveness of extending loans and crediting small business were based scientifically by the author.

Калим сўзлар: валюта курси, девальвация, давлат бюджети, инфляция, кичик бизнес, кредит, кафолатлаш жамғармаси, монетизация даражаси, молиялаштириш, тадбиркорлик, тижорат банки, экспорт, қайта молиялаш ставкаси.

Кириш

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш нуктаи-назаридан жуда долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев эътироф этганларидек, “...хар бир хонадоннинг тадбиркорлик борасидаги имкониятини ўрганиш, молиялаштириш кенгайтириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни

ҳал этиш, тадбиркорларни ишонтириш ва уларга амалий ёрдам бериш – бутун Макроиқтисодиёт комплекси фаолиятидаги кундалик қоидага айланиши керак” (Мирзиев Ш.М. 2017).

Мазкур мақолада кичик бизнес субъектларини молиялаштириш борасидаги долзарб муаммолар аниқланади ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилади.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиёти олинган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мамутнинг (2009) хулосасига кўра, кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш амалиётини ривожлантириш учун банklar ва нобанк кредит ташкилотларининг микрокредит операциялари Марказий банк томонидан назорат қилинмаслиги керак.

Нобель мукофотининг соҳиби, М.Юнуснинг хулосасига кўра, энди иш бошлаётган кичик бизнес субъектларини кредитлашда асосий эътибор кредитлашнинг ижтимоий самарасига қаратилиши керак. Тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятлари кенгайгандан сўнг, улар бозор ставкаларида бериладиган кредитларга бўлган талабнинг ошишига сабабчи бўлишади (Юнус, 2010).

Ф.Аллен ва Д.Гейл кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг икки тизими – банklar фаолиятига асосланган тизим ва молия бозорларига асосланган тизимнинг мавжудлигини эътироф этишади ва бунда биринчи тизимнинг нисбатан муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашади (Аллен ва Гейл, 2000).

Фикримизча, Ф.Аллен ва Д.Гейлнинг мазкур хулосаси ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, мазкур мамлакатларда кичик бизнесни кредитлаш тизимида тижорат банклари етакчи мавқега эга; иккинчидан, кичик бизнес субъектлари учун қимматли қоғозлар бозори орқали ресурслар жалб қилиш имконияти мавжуд эмас.

Шанел-Рейно ва Блуанинг (2001) хулосасига кўра, кичик ва ўрта корхоналарнинг йирик корхоналар билан алоқаларини яхши йўлга қўйилиши уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширади. Чунки, йирик корхоналар кичик ва ўрта корхоналар билан ишбилармонлик муносабатларига киришишдан олдин уларнинг бозор талабларига жавоб бера олишини таҳлил қилади. Шунингдек, йирик корхона ҳамкори бўлган кичик ва ўрта корхоналарнинг ҳолатини доимий равишда назорат қилади.

Ж.Шанел-Рейно ва Э.Блуанинг мазкур илмий хулосаси тараққий этган мамлакатлар тажрибасининг таҳлилига асосланган ва шу жиҳатдан ишончли ҳисобланади. Улар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар аниқ маълумотлар таҳлилига асосланган бўлиб, йирик бизнеснинг кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини ривожланишида муҳим роль ўйнашини асослашга хизмат қилади.

МакНотоннинг (1994) фикрига кўра, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун ликвидли таъминот вазифасини бўлғуси ҳосил ўтайди. Аммо қурғоқчилик бўлса, улар мўлжалланган миқдорда ҳосилни йиғиштириб олиша олмайди. Шу сабабли, бўлғуси ҳосил қурғоқчиликдан, табиий офатлардан суғурталанган бўлиши керак.

Д.МакНотоннинг хулосаси АҚШ ва Ғарбий Европа амалиётига мос келади. Ҳақиқатдан ҳам, тараққий этган мамлакатларда суғурта компанияларининг репутацияси юқори бўлиб, уларнинг суғурта полиси тижорат банклари учун ишончли таъминот объекти ҳисобланади. Бунинг устига, бўлғуси ҳосилни улар томонидан суғурта қилинганлиги қурғоқчиликнинг юз бериши натижасида олинмаган ҳосил туфайли юзага келадиган кредит rischi муаммосининг чуқурлашишини олдини олади. Аммо Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларига берилган ва суғурта ҳодисаси туфайли қайтмаган кредитларни суғурта компанияларидан, шу жумладан, Агросуғурта компаниясидан ундиришда муаммолар мавжуд (Боймуратов, 1998).

Фикримизча, иқтисодчи олимларнинг кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган хулосалари, таклифи ва тавсияларини республикамиз амалиётида қўллаш имкониятларини асослаб бериш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида кичик бизнес субъектларини молиялаштириш шакллари қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган ва молиялаштириш манбалари ва олинмаган даромадларнинг реал қийматини миллий валютанинг девальвацияси таъсирида пасайишига алоҳида эътибор қаратилган. Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилган.

Мақолада банklar томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар ва микрокредитлар алоҳида гуруҳларга ажратилгани ҳолда, иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, трендли таҳлил даври 3 йилни (2014-2016 йй.) қамраб олганлиги сабабли кичик бизнес субъектларини банklar томонидан кредитлаш тенденциясини аниқлашга муваффақ бўлинган.

Таҳлил ва натижалар

Кичик бизнесни ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартларидан биридир.

Айни вақтда, кичик бизнес субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш, унинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш улар фаолиятини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш заруратини юзага келтиради.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, дунё иқтисодчи олимлари томонидан турли даврларда кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган.

Айни дамда, Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш тизимини шакллантирилганлигини таъкидлашни

мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Мазкур тизим кичик бизнес субъектларини молиялаштириш жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни, кичик бизнес субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш тузилмасини ҳамда банклар ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан мазкур субъектлар фаолиятини кредитлаш амалиётини ўз ичига олади.

Хусусан, бизнес субъектларини молиялаштириш жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда солиқ имтиёзлари муҳим ўрин тутмоқда. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш учун ундириладиган давлат божи ставкаси икки баробарга қисқартирилди, ишчиларнинг ўртача йиллик сони 100 кишигача кўпайтирилган кичик корхоналар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати сезиларли даражада кенгайтирилди, янги ташкил қилинган кичик корхоналар ва микрофирмаларни режали солиқ текширувларидан озод этиш муддати икки йилдан уч йилга узайтирилди, 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб солиқлар, божхона йиғимлари, шунингдек, бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузганлик учун ундириладиган пеня миқдори кечиктирилган ҳар бир кун учун, пеняни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда, амалдаги миқдорига нисбатан учдан бир қисмга камайтирилди¹.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузурида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш” жамғармасини ташкил этилганлиги ва унинг фаолиятини давлат томонидан ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширилаётганлиги кичик бизнес субъектларининг экспортини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги даврда Жамғарма томонидан кичик бизнес субъектларига ташқи бозорларни ўрганиш, чет эллик ҳамкорларни топиш, халқаро тендер савдоларида иштирок этиш, экспорт шартномаларини тузиш, халқаро сертификатларни олиш ва божхона расмийлаштируви бўйича амалий ёрдам кўрсатилмоқда.


Мазкур жамғарманинг ташкил этилганлигига кўп вақт бўлмаган бўлса-да (у 2013 йилнинг август ойида ташкил қилинган), кичик бизнес субъектларининг экспортини ривожлантиришга қўллаб-қувватлаш борасида муҳим ютуқларга эришилди. Агар 2013 йилнинг август-декабрь ойларида Жамғарма томонидан ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2014 йилда 2399 тани, 2015 йилда эса, 3213 тани ташкил этди. Биргина 2015 йил давомида Жамғарма кўмагида 409 та тадбиркорлик субъекти томонидан 2 млрд. 230 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт шартномалари имзоланиб, уларга мувофиқ, 1 млрд. 45 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт қилинди. Бу эса, 2014 йилга нисбатан 24 фоизга кўп демакдир².

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, мамлакат тижорат банкларининг кредитлари кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш тизимида

¹ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2011. - №34-35 (482-483). - 5-7-б.

² Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари.

муҳим ўрин тутмоқда. Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари кичик бизнес субъектларининг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамият касб этаётган бўлса, уларнинг узок муддатли кредитлари кичик бизнес субъектлари фаолиятини модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш билан боғлиқ бўлган харажатларини молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ва микрокредитлар миқдори, млрд. сўм

Манба: Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари//Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2017. – №1. – 30-б.

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2014-2016 йилларда республикада тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ва микрокредитлар миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, мазкур субъектлар фаолиятини молиялаштириш тизимида тижорат банкларининг ролини тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Шуниси аҳамиятлики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да кичик бизнес субъектларини кредитлашни такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган³.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 февралдаги ПКҚ-2768-сонли “Кичик тадбиркорликни ривожлантириш Кафолат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши ва ушбу қарорга мувофиқ, кичик тадбиркорлик субъектларига

³ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

бериладиган тижорат банклари кредитларининг гаров билан қопланмаган қисмини Кафолат жамғармаси маблағлари ҳисобидан таъминлаб беришнинг жорий этилганлиги кичик бизнес субъектларини кредитлаш ҳажмини ошириш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади⁴.

Айни дамда, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш сиёсати давом эттирилаётган ҳозирги шароитда кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Ана шундай муаммолардан бири – бу миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги сабабли, кичик бизнес субъектларининг импортни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ошиб бораётганлигидир.

Сўнги уч йил (2014-2016 йй.) мобайнида миллий валютага нисбатан АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиш суръати 33,4 фоизни ташкил этди⁵. Бу эса, миллий валютанинг юқори даражадаги қадрсизланиш суръатидир. Натижада, кичик бизнес субъектларининг импортни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлари ошиб бормоқда. Бунинг устига, кичик бизнес субъектларининг сўмдаги маблағларини АҚШ долларига конвертирлаш жараёни чўзилиб кетаётганлиги сабабли, улар Республика валюта биржасига сўмда қўшимча пул маблағлари ўтказишга мажбур бўлишмоқда. Бунинг оқибатида, уларнинг пул оқими барқарорлигига нисбатан салбий таъсир юзага келмоқда.

Кичик бизнес субъектларини молиялаштиришни такомиллаштириш борасидаги иккинчи муаммо бўлиб, фикримизча, кичик бизнес субъектларини кредитлаш шаклларида тўлақонли фойдаланилмаётганлиги ҳисобланади.

Ҳозирги даврда, кичик бизнес субъектларини кредитлашда кредитлашнинг офердрафт, контокоррент, факторинг ва форфейтинг шаклларида умуман фойдаланилмаётир. Бу эса, ўз навбатида, кичик бизнес субъектларини кредитлаш самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилади.

Фикримизча, кичик бизнес субъектларини молиялаштиришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Кичик бизнес субъектларининг импорт тўлови билан боғлиқ бўлган харажатларини ошиб боришига чек қўйиш мақсадида, биринчидан, миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курсини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда белгилаб, ушбу алмашув курси тебранишининг юқори ва қуйи чегаларини белгилаш зарур; иккинчидан, сўмдаги маблағларни АҚШ долларига конвертирлаш жараёни чўзилиб кетаётганлиги муносабати билан кичик бизнес субъектларидан ўтказиш талаб этилаётган сўмдаги қўшимча пул маблағларини Марказий банкнинг захиралари ва давлатга тегишли бўлган пул фондларининг маблағлари ҳисобидан шакллантириладиган махсус фонд маблағлари ҳисобидан тўлаб беришни йўлга қўйиш лозим.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 февралдаги ПҚ-2768-сонли “Кичик тадбиркорликни ривожлантириш Кафолат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 7 (767). – 85-модда.

⁵ Валюта курси. www.cbu.uz сайти маълумотлари.

2. Кичик бизнес субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлаш самарадорлигини ошириш мақсадида:

биринчидан, кичик бизнес субъектларини овердрафт ва контокоррент шаклида кредитлашда юзага келадиган кредит rischi даражасини пасайтириш мақсадида мазкур субъектлар учун тўловларнинг календар кетма-кетлигини жорий қилиш лозим;

иккинчидан, тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини овердрафт ва контокоррент шаклларида кредитлаш тартиби, юзага келадиган кредит riskини пасайтириш йўллари, жорий ҳисобрақамнинг дебетли ва кредитли қолдиғига фоиз тўлаш механизми махсус йўриқномада ўз аксини топиши зарур.

учинчидан, кичик бизнес субъектларига бериладиган факторинг кредитлари ҳажмини ошириш учун банкларга кичик бизнес субъектлари томонидан реализация қилинган товарлар ҳужжатларини ҳам регресс ҳуқуқи билан, ҳам регресс ҳуқуқисиз сотиб олиш имконини бериш ва бунда муддати ўтган дебитор қарздорлик ва зарар кўриб ишлаётган кичик бизнес субъектларининг дебитор қарздорлиги инкассация қилинмаслиги лозим.

Банклар томонидан факторинг кредитларининг таъминоти сифатида олинган гаров объектларини сотиш суднинг қарори билан эмас, балки тижорат банки ва кичик бизнес субъекти ўртасида тузилган ва нотариал идора томонидан тасдиқланган шартнома асосида амалга оширилиши лозим.

Хулоса ва таклифлар

Миллий валютанинг мувозанатлашган курсини аниқлаш ва уни белгиланган валюта йўлакчаси доирасида тебранишини таъминлаш кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш имконини беради. Шунингдек, кичик бизнес субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлаш самарадорлигини ошириш хусусидаги таклифимизнинг амалиётга татбиқи уларни кредитлаш ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 9-бет.

2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – иқтисодийтимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 11-12-б.

3. Мамут М.В. Микрофинансирование: новые возможности финансово-кредитной системы// Банковское дело. – Москва, 2009. - № 4.– С. 96 - 99.

4. Мухаммад Юнус, Алан Жоли. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблицерз, 2010. – 307 с.

5. Allen F., Gale D. Comparing Financial Sestems. – Cambridge, Mass: MIT Press, 2000. – P. 42.
6. Chanel-Reynaud G., Bloy E. La Banque et le risqué PME. – Presses Universitaires de Lyon, 2001. – P. 39-40.
7. МакНотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. Том 1. Пер. с англ.- Вашингтон Д.С.: ИЭР, 1994. – С. 123-124.
8. Боймуратов А.Д. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини банклар томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари. и.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008.-16б.
9. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2011. - №34-35 (482-483). - 5-7-б.
10. Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг йиллик ҳисоботлари маълумотлари.
11. Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари//Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2017. – №1. – 30-б.
12. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 февралдаги ПҚ-2768-сонли “Кичик тадбиркорликни ривожлантириш Кафолат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 7 (767). – 85-модда.
14. Валюта курси. www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.